

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

УМИРОВ НУРБЕК НОРБУТАЕВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА НЕФТЬ ЁҚИЛГИЛАРИНИНГ
ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИНИ РОСТЛОВЧИ
МОДИФИКАТОРЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА АМАЛИЁТДА
ҚЎЛЛАШ**

02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Умиров Нурбек Норбўтаевич

Маҳаллий хомашёлар асосида нефть ёқилғиларининг физик-кимёвий хоссаларини ростловчи модификаторлар олиш технологияси ва амалиётда қўллаш.....3

Умиров Нурбек Норбутаевич

Разработка технологии получения модификаторов на основе местных сырьевых ресурсов регулирующих физико-химические свойства нефтяных топлив и их применение.....21

Umirov Nurbek

Development of technology for obtaining modifiers based on local raw materials regulating the physical and chemical properties of petroleum fuels and their application39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Ph.D.03/30.12.2019.Т.78.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

УМИРОВ НУРБЕК НОРБУТАЕВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА НЕФТЬ ЁҚИЛГИЛАРИНИНГ
ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИНИ РОСТЛОВЧИ
МОДИФИКАТОРЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА АМАЛИЁТДА
ҚЎЛЛАШ**

02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Т1770 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида ва Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институтларида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ter-su.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нурқулов Файзулла Нурмунинович
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Мухиддинов Баходир Фахриддинович
кимё фанлари доктори, профессор

Тожиёв Панжи Жовлиёвич
техника фанлари фалсафа доктори.

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация химояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 рақамли Илмий кенгашнинг «__»_____ 2020 йил соат даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№__рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз шаҳри Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «__»_____куни тарқатилди.
(20 йил «__»_____даги рақамли реестр баённомаси).

И.А.Умбаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,проф

Ш.А.Қасимов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, к.ф.ф.д., (Phd).

Ф.Б.Эшқурбонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, к.ф.д.,проф

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда жадал саноатлашиш, юқори иқтисодий ўсиш, одамларнинг юқори турмуш даражаси, замонавий транспорт технологиялари тизимлари ва энергетика соҳасининг ривожланиши сабабли энергияга бўлган эҳтиёж сезиларли даражада ошишига қарамай, нефть ёки қазиб олинган ёқилғиларнинг чекланган захиралари ҳисобига улардан фойдаланиш умумий эҳтиёжнинг 26-27% ини ташкил қилади. Дунёда энергия истеъмолининг 90 фоизи эса нефть ёқилғиларига тўғри келади. Шунинг учун, ёқилғи сифатининг қатъий стандарт талабларига жавоб бериши, сифатли ёқилғи олишда модификаторлардан фойдаланиш бензин ва дизел ёқилғисини ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда автотранспорт воситаларининг ривожланиши ҳалқаро талабларга жавоб берадиган экологик тоза ёқилғи ишлаб чиқаришни тақозо қилмоқда. Ёқилғи сифатини оширишда дунё миқёсида кислород ва азот сақловчи органик бирикмалар ва уларнинг композицион аралашмаларига асосланган модификаторлардан фойдаланилади. Шунинг учун бензин ёқилғиларининг октан ва дизел ёқилғиларининг цетан сонини оширувчи, таркибида кислород ва азот сақлаган органик модификаторлар ҳамда композитлар олишнинг самарали усуллари ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларига эътибор қаратилмоқда. Бунга кўра, бензин ва дизел ёқилғиларининг сифатини яхшиловчи, таркибида кислород ва азот сақловчи модификаторлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда кимё саноатининг янги турдаги материаллар ишлаб чиқариш йўналишида муайян натижаларга эришилди, жумладан маҳаллий бозорни импорт ўрнини босувчи кимёвий реагентлар билан таъминлаш соҳасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, Республикаимизда, инновацион технологияларни тадбиқ этиш орқали саноат объектларини юритишнинг илмий асосланган тизими ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг чора-тадбирларини амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «Маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори кўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзгартиришга» қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада Республикаимизда нефтни қайта ишлаш заводларида каталитик крекинг, алкиллаш ва изомерлаш жараёнларида олинган ёқилғиларнинг сифатини янада ошириш ҳамда ҳалқаро экологик стандартларга жавоб берадиган юқори сифатли ёқилғилар ишлаб чиқариш учун спиртли, оксидланиш даражаси юқори бўлган эфирли, таркибида кислород ва азот сақловчи кўп функционал антидетанацион модификаторлар олишнинг

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

самарали, тезкор ва иқтисодий жиҳатдан арзон технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сонли «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII.«Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Таркибида кислород ва азот сақловчи кўп функцияли модификаторлар ва композициялар синтези ва қайта ишлаш технологияларини ривожлантириш бўйича Капустин В.М., Эмеянов В.М., Данилов А.М., Лазарев В.А., Шумков А.П., Миннуллина Э.М., Бабкин К.Д., Халикова Д.А., Митусова Т.Н., Швалев Э.Э., Меншикова Т.С., Юлонг Гонг, WW Френиэр, Решетников С.М., Батракова В.П., Фахретдинов П.С., Вигдорович В.И., Ҳамидов Б. Н., Саидахмедов. Ш.М., Джалилов А.Т., Акбаров Х.И., Саидахмедов С.И. ва бошқа олимлар томонидан фундаментал тадқиқотлар олиб борилган.

Илмий изланишлари натижасида ушбу олимлар томонидан модификаторлар олишнинг турли усуллари, модификатор олиш жараёнларига турли хил технологик омилларнинг таъсири ўрганилган, шунингдек, модификаторларни маҳаллий хомашёлар ва саноат маҳсулотлари асосида синтез қилиш таклиф қилинган. Синтез қилинган бирикмаларни нефть саноатида бензиннинг октан, дизел ёқилғисининг эса цетан сонини оширувчи модификатор сифатида ишлатиш тавсия этилган.

Айни пайтда, ёқилғиларни маҳаллий хомашёлар ва саноат маҳсулотлари асосида фаол гуруҳларни ўз ичига олган бирикмалар билан модификациялаш, модификаторларни ишлаб чиқариш ва уларни ёқилғиларнинг сифатини ошириш учун амалиётда қўллашнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг АМ-ИЗ-201907315-сонли

“Жарқўрғоннефтқайтаишлаш” ҚҚда ишлаб чиқариладиган «ЖНҚ Печ ёқилғиси» (Tsh 19432593-001:2014) маҳсулотининг қотиш ҳароратини «минус» 15°С дан юқори бўлмаган ҳароратгача пасайтирадиган депрессор қўшимчасини (присадкани) маҳаллий хомашёлардан ишлаб чиқариш технологиясини яратиш” (2020-2021) ва А-12-005-сонли «Маҳаллий хомашёлар асосида, янги самарали коррозия ингибиторларини олиш ва уларни қўллаш» (2015-2017) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бензин ва дизел ёқилғиларининг сифат кўрсаткичларини ҳар томонлама яхшилайдиган таркибида кислород ва азот сақловчи кўп функционал модификаторлар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таркибида кислород ва азот сақловчи кўп функционал модификаторларни олиш ва уларни синтез қилишнинг оптимал шароитларини аниқлаш;

таркибида кислород ва азот сақловчи кўп функционал модификаторларнинг физик-механик ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ этиш;

маҳаллий ва ишлаб чиқариш маҳсулотлари асосида Республикада мавжуд бўлган оксигенатларнинг антидетанацион хусусиятларини ва самарадорлигини ошириш;

маҳаллий маҳсулотлар асосида спиртли, оксидланиш даражаси юқори бўлган эфирли ва бошқа юқори октан сонли компонентларга асосланган антидетанацион модификаторларини ишлаб чиқиш;

синтез қилинган кўп функцияли кислород ва азот сақловчи модификаторларнинг коррозияга бардошлилик хусусиятларини ўрганиш ва ушбу модификаторларнинг техник-иқтисодий самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти эпихлоргидрин, дихлоргидрин, карбамид, изопропил спирти, фусел ёғи, натрий карбонат, нитрат кислота ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети кислород ва азот тутган бирикмалар асосида кўп функционалли модификаторлар олиш жараёнининг оптимал шароитларини ўрганиш, бензиннинг октан ҳамда дизел ёқилғиларининг цетан сонини оширувчи модификаторлар олиш, оксигенатлар (кислородли антидетонаторлар) ва коррозияга қарши модификаторлар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар жараёнида замонавий ИҚ-, ЯМР-, ПМР-спектроскопия, элемент таҳлили ва криоскопик таҳлил усуллари сифатида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашёлар асосида, бензиннинг октан сонини оширувчи ОП-10, ОП-11, ОП-12, ОП-13, ОП-14 ва дизел ёқилғисининг цетан сонини оширувчи УНДж-20 маркали органик модификаторлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

маҳаллий хомашёлар асосида синтез қилинган, октан сонини оширувчи ОП-10, ОП-11, ОП-12, ОП-13, ОП-14 ва цетан сонини оширувчи УНДж-20 органик модификаторларнинг октан ва цетан сонини ошириш механизми ва уларнинг синергетик таъсири аниқланган;

олинган алкилпероксид функционал гуруҳини тутган модификаторлар асосидаги ОП-13 ва ОП-14 композицияларининг ўзаро синергетик таъсири автомобил ёқилғисидаги октан ва дизел ёқилғисидаги цетан сонини оширувчи қўшимчалар концентрацияларининг 10% дан 2% гача камайиши аниқланган;

таркибида кислород ва азот сақлаган кўп функционалли УНДж –20 ва А-18 модификаторлари металл конструкцияларнинг коррозияга барқарорлигини 10-12% гача ошириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашёлар асосидаги таркибида кислород ва азот сақлаган органик бирикмалар ҳамда саноат маҳсулотлари антидетонатор хоссасига эга бўлган модификаторлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

олинган модификаторлар асосида ёқилғиларнинг октан ва цетан сонини оширувчи композициялар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

таркибида кислород ва азот сақлаган композитлардан фойдаланиб, коррозияга қарши юқори самарадорликка эга бўлган композицион материаллар олинган ҳамда уларнинг физик-кимёвий хоссалари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган бирикмаларнинг идентификациясига асосланган хулосалар ва тавсиялар юқори информацион, замонавий кимёвий, физик-механик ва физик-кимёвий усуллардан (ИҚ-, ЯМР ва ПМР спектроскопия усулларидан, элемент анализи, криоскопик таҳлил методлари) фойдаланилганлиги, таркибида кислород ва азот сақлаган органик модификаторлар ва улар асосида олинган композитлар экспериментал ва саноат қурилмаларида синовлардан муваффақиятли ўтганлиги билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий хомашёларни кимёвий қайта ишлаш орқали юқори самарали, таркибида кислород ва азот сақлаган модификаторларни олиш усулини ишлаб чиқиш, шунингдек, спиртлар, галогенли бирикмалар ва натрий карбонат асосида модификаторларни синтез қилишнинг мақбул шароитлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти синтез қилинган таркибида кислород ва азот сақлаган модификаторлардан фойдаланиб октан ва цетан сонини оширувчи қўшимча сифатида фойдаланишни тадбиқ қилиш ҳамда ишлаб чиқилган технологик схемага мувофиқ нефтни қайта ишлаш заводларида ишлатиладиган янги ва самарали модификаторларни ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Маҳаллий хомашёлар асосида нефть ёқилғиларини физик-кимёвий хоссаларини ростловчи модификаторлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

синтез қилинган Алан, А-18, УНДж-20 модификаторлари “Муборак газни қайта ишлаш заводи” МЧЖ да металл конструкциялари ва қурилмаларида коррозияга қарши ингибитор сифатида ишлаб чиқаришга жорий қилинган. (Муборак газни қайта ишлаш заводининг 2019 йил 22 майдаги 705/ГК-19-05-сонли маълумотномаси). Натижада, Алан, А-18, УНДж-20 органик модификаторлари газ конденсатининг 0,5% ли H_2SO_4 , H_2S , CO_2 ва аммиакли сув муҳитларида Ст-20 маркали пўлат констукцияларининг коррозияга қарши самарадорлигини ошириш имконини берган;

таркибида кислород ва азот сақлаган модификаторлар олиш технологияси “Муборак газни қайта ишлаш заводи” МЧЖ да амалиётга жорий қилинган (Муборак газни қайта ишлаш заводининг 2019 йил 22 майдаги 705/ГК-19-05-сонли маълумотномаси). Натижада олинган модификаторлардан фойдаланиб, нефть-газни қайта ишлаш заводлари металл конструкция ва қурилмаларининг эксплуатацион муддатларини 10-12 % га узайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, жумладан, 2 таси Республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 98 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари тавсифланган, унинг объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бензин ва ёқилғиларга модификаторлар яратиш ва ишлаб чиқариш бозори**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар асосидаги материаллар таҳлили, кислород ва азот сақлаган модификаторлар асосидаги детонацияга қарши модификаторлар таҳлили, таъсир механизмлари ва детонацияга қарши модификаторларнинг самарадорликлари келтирилган. Келтирилган таҳлиллар натижасида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «Маҳаллий хомашёлар асосида кислород ва азот сақлаган органик модификаторларнинг синтези ва физик-кимёвий хоссалари» деб номланган иккинчи бобида янги кўп функцияли кислород ва азот тутувчи модификатор ва композициялар таркибида кислород ва азот бўлган маҳсулотлар асосида олиб борилган синтезлар тўғрисидаги маълумотлар берилди, ОП-10, ОП-11, ОП-12, ОП-13, ОП-14 ва УНДж-20 маркали кўшимчаларнинг октан ва цетан сонини ошириш хусусияти ўрганилди.


Тадқиқот объектининг ўрганиш усуллари орқали синтези ва физик-кимёвий хусусиятлари баён этилди. Мазкур кўп функционал хусусиятли кислород сақлаган, юқори ҳимоя таъсирига эга ва мавжуд реагентлар қўллаш орқали олинган органик модификаторлар асосида октан сонини оширувчи модификаторлар олишнинг самарали усулини яратилди.

Изопропил спирти ва карбамид асосида кўп функционал хусусиятли кислород тутувчи органик модификаторлар синтези ва уларнинг физик-кимёвий тадқиқотлардан фойдаланиб олинган модификаторларнинг тузилиши ҳамда хоссалари ўрганилди.

Октан сонини оширувчи модификаторлар олиш реакциясида изопропил спирти ва карбамиднинг маълум нисбатлари таъсир эттирилади. Синтез қилинган кислород сақлаган органик модификаторнинг муҳити рН-7 бўлганда энг юқори 72% унум чиқиши аниқланди.

Изопропил спирти ва карбамид асосида олинган кислород сақлаган органик модификаторларнинг синтези ва кўп функционал хоссаси.

Изопропил спирти ва карбамид асосида олинган ОП-10 маркали кислород сақлаган октан сонини оширувчи органик модификаторнинг олинишида ҳарорат, олинган компонентларнинг нисбатлари, вақт ва ковушқоқликнинг таъсири ҳамда ИҚ-спектр таҳлиллари ўрганилди.



ОП-10 маркали кислород сақлаган органик модификаторнинг структура тузилиши ИҚ спектрал маълумотлари ёрдамида ўрганилди.

Кислород сақлаган ОП-10 маркали органик модификаторнинг ИҚ-спектрида 2993-2873 cm^{-1} соҳасида $-\text{CH}_2-$ гуруҳларига хос валент тебранишларининг пайдо бўлиши $-\text{CH}_2-$ гуруҳларининг мавжудлигидан далолат беради. Карбонил гуруҳларнинг ассимметрик ва симметрик деформацион тебранишлари 1733 – 1642 ва 1456 cm^{-1} соҳаларида намоён бўлади. 1300 ва 720 cm^{-1} соҳаларидаги паст интенсивликдаги тебраниш чизиқлари метилен гуруҳининг маятникли тебранишларига мос келади, $\text{O}=\text{C}=\text{O}$ гуруҳларининг валент тебранишлари 1030 cm^{-1} соҳада намоён бўлади.

Кислород сақлаган органик модификаторнинг чиқиш унумининг (а) вақтга ва (б) ҳароратга таъсири 2-расмда келтирилган бўлиб, уларнинг нисбатлари қуйидагича (эпихлоргидрин : натрий карбонат 1-1:0,5; 2- 1:0,1; 3- 0,5:1) келтирилган.

2-расмдан кўришиб турибдики эпихлорогидрин ва натрий карбонатдан кислород сақлаган органик модификаторнинг олиш унуми оптимал 2-4 соат вақт оралиғида ва 100-110 °С ҳароратда энг юқори бўлиши аниқланди. Вақт ва ҳароратнинг кейинги ўсиши кислородни сақловчи органик модификаторнинг рентабеллигини пасайишига олиб келади.

Синтез қилинган кислород сақловчи модификаторнинг элемент таҳлилларининг тадқиқот малумотлари 1-жадвалда кўрсатилган.


1-жадвал

ОП-11 маркали кислород сақлаган органик модификаторнинг физик-кимёвий хоссалари

Номланиши	Брутто формула	Топилган, %			Хисобланган, %			Т _{қай} , °К	Т _{суюк} , °К
		С	Н	О	С	Н	О		
Ди (оксиран-2-ил) карбонат	C ₅ H ₁₀ O ₅	39.56	6.61	55.29	40.00	6.71	53.29	578.12	301.82

Глицерин дихлорогидрин ва натрий карбонат асосида кислород сақлаган органик модификаторнинг синтез қилиши ва кўп функционал хусусиятларини ўрганиши.

Қуйидаги схема бўйича натрий карбонат билан дихлоргидрин асосида ОП-12 маркали кислород сақлаган модификатор синтез қилинди.



2-жадвал

ОП -12 маркали кислород сақлаган органик мадификаторнинг ИҚ спектридаги валент тебранишлар частотаси

Номланиши	ИҚ-спектр, см ⁻¹					
	-OH	=CH-	-CH ₂ O-	-CH ₂ -	-C=O	-C-O-
2-гидроксибутил-метилкарбонат (кислород сақлаган органик модификатор ОП -12)	3330-	3210-	1150-1070-	2850-2900-1300-720-	1733-1642-	1456-

ОП-12 маркали кислород сақлаган органик модификаторнинг синтези ва полифункционал хоссалари физик тадқиқот усуллари ИҚ- ва ПМР спектрлари ёрдамида тасдиқланади (2-жадвал).

3-жадвал

ОП-12 маркали кислород сақлаган органик модификаторнинг ПМР спектридаги кимёвий силжишлар

Номланиши	ПМР-спектр, δ м.у.				
	-CH ₂ -	=CH-	-OH	-CH ₂ O-	-CH ₂ O-
2-гидроксibuтил-метилкарбонат (кислород сақлаган органик модификатор модификатор ОП -12)	1,58	2,56	4,34	1,50	2,04

Фусел ёғи асосида кўп функцияли композитцион эфирлар олиши (ОП-13 ва ОП-14 маркали)

Бензинни узоқ муддат сақлаш вақтида кислород сақлаган кўп функцияли композитцион эфирлар барқарорликни тامينлайди, экологик хусусиятларни яхшиловчи антидетанатор хусусиятларига эга кўшимчалар кўшиш орқали бензиннинг узоқ муддат сақланиши таъминланади.

Фусел ёғи ва нитрат кислота асосидаги азотли органик модификаторларнинг синтези ва кўп функцияли хусусиятларини ўрганиши (УНДж-20 маркаси).

4-жадвал

Автомобил бензинлари учун композитцион таркибнинг синов натижалари

Номланиши		Композитдаги компонентлар таркиби %				
		1	2	3	4	5
Аналог: патент. RU 2 335 529	Фусел ёғи	2,8	-	-	-	-
	Эфир альдегид фракцияси	15,0	17,0	3,0	-	-
	Этилацетат	3,2	-	3,2	-	-
	Фурфурил спирти	2,0	2,0	5,0	-	-
	2,6-дитретбутил 4-метилфенол	0,2	0,1	0,2	-	-
	Этил спирти	Қолганлари 100 гача			1,5	1,0
Олинган композит	Фусел ёғи эфири	-	-	-	5,5	6,0
	Метанол	-	-	-	1,0	1,0
	органик карбонат ОП-11	-	-	-	2,0	-
	органик карбонат ОП-12	-	-	-	-	2,0
Кўрсаткичлар номи		Синов натижалари				
Кўшимчалар концентрацияси %		10	10	8,2	10	10
Октан сонининг ортиши		5,0	4,6	4,9	9,8	8,4
Музлаш ҳарорати °С		-44	-44	-40	-53	-47

Фусел мойи ва нитрат кислота (УНДж-20 маркали) асосидаги азотли органик модификаторнинг кўп функцияли хоссаларини синтез қилиш ва тадқиқ қилиш.

Тадқиқотлар натижасида азот сақлаган органик модификаторларни олишнинг муқобил шароитлари яъни ҳарорат, бошланғич таркибий қисмларнинг нисбатлари ва олинган модификаторларнинг ИҚ спектрлари ўрганилди.


Азот кислотаси ва фусел ёғи асосида синтез қилинган модификаторнинг физик-кимёвий хусусиятлари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

УНДж-20 маркали модификаторнинг физик-кимёвий хусусиятлари

Модификаторнинг номи	Нисбат. (моль)	Чиқиш унуми %		Агрегат ҳолати	pH	Зичлик г/см ³	Эрувчанлик
УНДж-20	1:1	58		Суюқ, шаффоф кул ранг	7	923	Органик эритувчиларда эрийди
	1:0,5	37,8					
	0,5:1	37					



УНДж-20 нинг ИҚ-спектрида, 2957-1460 см⁻¹ соҳадаги валент тебранишлар -СН₃ гуруҳининг тебранишларга тўғри келишини кўрамиз ва 2890-1340 см⁻¹ соҳадаги валент тебранишлар -СН гуруҳларининг мавжудлигини тасдиқлайди. 1640–1620 см⁻¹ ва 1285–1270 см⁻¹ – ораликда валент тебранишлар -О-NO₂ гуруҳига хос тебранишларни кўрсатади. (3-расм).



3-расм. Азот сақлаган органик модификаторнинг ИҚ-спектри, УНДж-20.

Диссертациянинг учинчи бобида "Маҳаллий хомашёлар асосида нефть ёқилғисининг физик-механик хусусиятларини тартибга солувчи кўп функцияли модификаторларнинг самарадорлигини ўрганиш" кислород сақлаган органик кўп функцияли модификаторларнинг антидетонатцион хусусиятларининг самарадорлиги муҳокама қилинган.

Эпихлорогидрин ва натрий карбонат асосидаги кислородли органик модификаторнинг антидетонатцион самарадорлигини ўрганиш (ОП-11).



4-расм. ОП-11 қўшилганда тўғридан-тўғри ҳайдалган бензин фракциясининг октан сонини ўзгариши.

5-расм. ОП-11 қўшилганда реформат октан сонини ўзгариши.

Кислород сақловчи ОП-11 модификатори нефтни қайта ишлаш жараёнида чиқарилган моддалар асосида ўз эҳтиёжларимиз учун ишлаб чиқарилади. ОП-11 ни ишлаб чиқариш учун асосий хомашё эпихлорогидрин ва натрий карбонатдир. ОП-11 модификаторининг синтези эпихлорогидрин ва натрий карбонат ионли суюқлик иштирокидаги реакцияга асосланади. 4-5 расмда тўғридан-тўғри ҳайдалган бензин фракциясидаги октан сонининг ва ОП-11 модификатор қўшгандаги реформатнинг ўзгариши келтирилган. 4-5 расмда олдинги тадқиқот натижаларига кўра, тўғридан-тўғри ҳайдалган бензин фракциясининг бензин реформатнинг октан сони бошқа аналог қўшимчаларга нисбатан юқори эканлигини кўринади. Бу айниқса, аралашмада ОП-11 нинг кам концентрациясида намоён бўлади: 1 ва 5% умум., бунда ОП-11 нинг октан сони бошқа аналог қўшимчага нисбатан 3 октан бирликдан юқори бўлади. Тўғридан-тўғри ҳайдалган бензин фракциясига 5% умум миқдорда ОП-11 қўшилганда октан сонининг максимал ўсиши октан сонини аниқлаш мотор методи бўйича 15 бирликни ва октан сонини аниқлаш тадқиқот методи бўйича 17 бирликка тенг эканлиги аниқланди.

Дизел ёқилгиси (УНДж – 20) да кислород ва азот сақлаган органик қўп функцияли модификаторларнинг детонацияга қарши самарадорлигини ўрганиш.

Тадқиқот давомида таҳлил қилинган қўшимчаларнинг концентрацияси 0.05 дан 2 % гача ўзгариши керак, чунки қўшимчалар ишлаб чиқариш умумий қийматининг 2 % дан ошмайди ва иктисодий жиҳатдан фойдали ҳисобланади.

Қуйидаги 6-жадвалда азот сақлаган УНДж-20 модификаторининг ўрганиш натижалари келтирилган.



Тажриба маълумотлари асосида қуйидаги график тузилди (6-расм). Унда УНДж-20 ёрдамида дизел ёқилгисининг цетан сонини ўзгаришлари келтирилган.

УНДж-20 модификаторининг ўрганиш натижалари

УНДж-20 маркали модификатор миқдори, %	0	0,05	0,1	0,5	1	1,25	1,5	1,75	2
Тўғридан- тўғри хайдалган бензиннинг октан сони ошиши (бирлик)	42	45	48,8	50	54,4	56	57,5	58,8	61

Кўриниб турибдики, УНДж-20 модификатори энг яхши натижани кўрсатди. УНДж-20 модификатори цетан сонини ГОСТ талабларидан ҳам юқори кўрсаткичга оширди ва бундан ташқари дизел ёқилғисини 10 ҳафта давомида сақланганда барқарорликни кўрсатди (7-расм).

Модификатор қўшилганда кокслаш қиймати 17 % га яхшиланди, бу эса дизел ёқилғисини ёниши яхшиланганидан далолат беради. Цетан сонини ошириш мақсадида тўғридан-тўғри хайдалган дизел фракцияларида турли концентрациядаги моддалар аралашмаси ўрганилди.



6-расм. УНДж-20 ёрдамида дизел ёқилғисининг цетан сони ўзгариши.

7-расм. Цетан сонини оширувчи модификаторларни сақлашдаги барқарорлиги.

Бундан ташқари, модификаторларнинг фаол компонентлари оптимал таркиби ва концентрацияси белгиланди ва ёқилғининг бошқа физик-кимёвий ва эксплуатацион хусусиятларига таъсири ўрганилди.

Тадқиқотлар натижасида фаол компонентларнинг меъёр миқдори оширилмади. Келтирилган модификаторнинг дизел ёқилғиси билан аралашмаси амалиётда ёзги дизел ёқилғиси сифатида қўллаш учун етарли барқарорликка эга эканлиги аниқланди.

Ёқилғига қўшилган кислород ва азот сақлаган органик кўп функцияли модификаторларнинг коррозияга қарши хусусиятларини ўрганиш.

Ёқилғи тизими ва двигател қисмларини ҳимоя қилиш учун бензин, дизел, авиация ёқилғиси ва суюлтирилган газ каби нефт маҳсулотлари мис ва пўлатга коррозия хусусиятларини намоён қилмаслиги керак. Металлар эркин ҳолдаги олтингугурт, айниқса H_2S каби олтингугурт бирикмаларига жуда таъсирчандир. Синов намуналари сифатида Ст-20 маркали пўлат пластикалари ишлатилди. Синовлар ГОСТ 9.506-87 ва МВИ №-599 бўйича лаборатория шароитида ўтказилди ва тест натижалари 7-жадвалда кўрсатилган.

7-жадвал

Газ конденсатида масса улуши 0,5% бўлган водород сульфидга қарши ингибиторларнинг ҳимоя қилиш қобилиятини аниқлаш натижалари

Агрессив муҳит	Синов вақти, соат	Коррозия тезлиги, мм/йил	Ингибитор ҳимоя қилиш даражаси, Z.%	Ингибитор ҳимоя қилиш қобилиятини баҳолаш	
				балл	оғзаки
H_2S 0,5 %	330	1,4420			
H_2S 0,5 %с инг. Алан	330	0,0570	96,05	3	қониқарли
H_2S 0,5 %с инг. А-18	330	0,0728	94,95	3	қониқарли
H_2S 0,5 %с инг. УНДж-20	330	0,0756	94,75	3	қониқарли


Коррозия тезлиги Ст-20 маркали пўлатда водород сульфиднинг масса улуши 0,5% бўлганда – 1,4420 мм/йилни, 0,5% Алан, А-18, УНДж-20 маркали ингибиторлар қўшилганда 0,0570-0,0756 мм/йилни ташкил этди, бу эса ингибиторларнинг ҳимоялаш хусусиятини баҳолашда – 3 балл “қониқарли” га тўғри келади. Ингибиторнинг коррозиядан ҳимоялаш даражаси 94,75-96,05% ни ташкил этди.

Диссертациянинг «Маҳаллий хомашё асосида нефт ёқилғиларининг физик-механик хоссаларини тартибга солувчи кўп функцияли модификаторлар синтезининг технологик схемаси. Ишланмаларнинг техник-иқтисодий самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобида кислород ва азот сақлаган модификаторлар ишлаб чиқариш технологияси ва техник-иқтисодий кўрсаткичлар натижалари кўриб чиқилган

ОП-12 маркали кўп функцияли октан сонини оширувчи модификаторлар олиш технологик схемалари.

Республикада ОП-12 маркали кўп функцияли кислород сақлаган модификаторлар олиш учун етарли миқдорда хомашё мавжуд. Улардан бири "Қўнғирот сода заводи "МЧЖ ва "Максам-Чирчиқ"АЖ да ишлаб чиқариладиган кислородли бирикмалардир.

ОП-12 маркали кислород сақлаган модификатор олиш технологик схемаси келтирилди.




1. Реактор; 2,4,6 - Дозаторлар; 3,5,7 – Сифимлар.

8-расм. ОП-12 маркали кислород сақлаган модификатор олиш технологик схемаси.

Тавсия этилган усул билан кислородли модификатор олиш учун, аввал дихлорогидрин глицерин ва катализатор реактор (1) га юборилади. Реакцион аралашма атмосфера босимида 1 соат давомида 100°C ҳароратда қиздирилади. Сўнгра (2) дозаторидан 150°C ҳароратда натрий карбонат қўшилади ва 3 соат давомида қиздирилади, кейин (4) дозатордан сув қўшилади ва (3) декантация идишда аралашма совутилади. Пастки суёқ қатлам сариқ ёпишқоқ олигомер маҳсулотдан декантация қилиниб, (5) сифимда қайноқ сув (6) билан уч марта ювилади сўнг тайёр маҳсулот олинади (8-расм).

УНДж-20 маркали цетан сонини оширувчи ва коррозияга қарши модификатор олиш технологик схемаси.

УНДж-20 маркали цетан сонини оширувчи ва коррозияга қарши модификаторни тавсия этилган усул билан олиш учун аввал совутгичли (1) реакторга дозатордан (2) сув, (3) реактордан нитрат кислота, (4) дозатордан сульфат кислота ва (5) дозатордан фусел ёғи қуйилади. Ҳароратнинг ўзгариши $\pm 1^{\circ}\text{C}$ дан ошмаслиги керак, аралашмани нитрат эритмасига қўшиш 2 соат давом этади. (6) Филтрада 2 соат турган сўнг узун воронкада ажралган сарғиш фусел ёғи нитрат композит қатлами сувдан филтрланади ва (7) сифимга узатилади, у ерда (8) сифимдаги натрий бикарбонат ва натрий хлорид эритмалари аралашмаси билан ювилади, (9) сифимдаги сувсиз натрий сульфат ёрдамида қуритилади ва вакуум остида: (қайнаш темп.. $29^{\circ}\text{C}/40$ мм, с.у. $104^{\circ}\text{C}/760$ мм с.у.) ҳайдалиб тайёр маҳсулот олинади (9-расм).



1.Реактор; 2,3,4,5,8 - Дозаторлар; 6,7,9 – Сифимлар

9-расм. УНДж-20 маркали цетан сонини оширувчи ва коррозияга қарши модификатор олиш технологик схемаси.

ОП-12 маркали кислород сақлаган модификаторнинг техник-иқтисодий самарадорлиги.

Ишлаб чиқилган ОП-12 маркали кислород сақлаган модификатор кўрсатилганидек, бензин олишда октан сонини ошириш учун модификаторлар сифатида фойдаланишга тавсия этилади.

ОП-12 маркали кислород сақлаган модификаторнинг қўлланилишдаги солиштирма ва умумий иқтисодий самарадорлиги ҳисобланди.

ОП-12 маркали кислород сақлаган модификаторни октан сонини оширувчи модификатор сифатида ишлаб чиқаришдаги иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, импорт қилинадиган аналог маҳсулотлар билан таннархининг таққосланишини кўзда тутди.

Техник-иқтисодий самарани ўрганиш натижалари:

1 тонна ОП-12 маркали кислород сақлаган модификатор ишлаб чиқариш учун хомашёга 27 640 минг сўм;

хорижий *Октан плюс* маркали кислородли бирикма асосидаги октан сонини оширувчи модификаторга хомашё учун 64 184 минг сўм сарфланади.

Шундай қилиб, ОП-12 маркали кислород сақлаган модификатор ишлаб чиқариш синовидан муваффақиятли ўтди. Ҳисоб китоблар шуни кўрсатадики, ОП-12 маркали кислород сақлаган модификатордан фойдаланишнинг иқтисодий самараси октан сонини оширувчи қўшимчанинг кўпайиши ва импорт материаллар ўрнини эгаллаш билан ортади. ОП-12 маркали кислород сақлаган модификатордан октан сонини оширувчи қўшимча сифатида фойдаланиш энг мақбул йўлдир.

ХУЛОСАЛАР

1. Фусел ёғи, изопропил спирти, эпихлоргидрин, дихлоргидрин, карбамид, натрий карбонат ва нитрат кислота асосида таркибида кислород ва азот сақлаган органик модификаторлар синтези тақлиф этилди.

2. Синтез қилинган октан ва цетан сонини оширувчи кислород ва азот сақлаган органик модификаторлар ҳамда композицияларнинг таркиби, тузилиши ИҚ-, ЯМР-спектроскопияси ва элемент таҳлили ёрдамида аниқланди.

3. Биринчи марта изопропил спирти ва карбамид (ОП-10), эпихлоргидрин ва натрий карбонат (ОП-11), дихлоргидрин ва натрий карбонат (ОП-12), фусел ёғи ва нитрат кислота (УНДж-20) асосида олинган модификаторлар ёқилғиларнинг октан сонини ошириш учун қўлланилди ва уларнинг детонацияга қарши самарадорлиги аниқланди. Таркибида кислород сақлаган ОП-12 модификатори тўғридан-тўғри ҳайдалган бензин фракциясига 5% концентрацияда қўшилганда октан сони мотор усули бўйича 13,8 бирликка ва тадқиқот усули бўйича 15,4 бирликка ошиши кўрсатиб берилди.

4. УНДж-20 маркали цетанни оширувчи ва коррозияга қарши композицион қўшимчалар бошқа синтез қилинган модификаторларга нисбатан самарали эканлиги ва бу композиция таркибида олтингугурт бўлган углеводородларда ҳам коррозияга қарши юқори ҳимоя хусусиятларини сақлаб қолиши сабабли, бу композиция нефтни қайта ишлаш тизимларида ишлатишга тавсия қилинди.

5. Эпихлоргидрин ва натрий карбонат асосида олинган ОП-12 маркали октан сонини оширувчи модификатор хорижий *Октан плюс* маркали модификаторга нисбатан иқтисодий жиҳатдан самарали эканлиги кўрсатиб берилди.

6. Фусел ёғи ва нитрат кислота асосида олинган УНДж-20 маркали цетан сонини оширувчи ва коррозияга қарши композицион қўшимчалар "Муборак газни қайта ишлаш заводи" МЧЖда 0,5% ли H_2SO_4 , H_2S , CO_2 ва аммиакли сув муҳитларида Ст20 маркали пўлат констукцияларини коррозиядан ҳимоя қилиш учун фойдаланишга тавсия қилинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.78.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТЕРМЕЗСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ТАШКЕНТСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ХИМИЧЕСКОЙ ТЕХНОЛОГИИ**

УМИРОВ НУРБЕК НОРБУТАЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ МОДИФИКАТОРОВ НА
ОСНОВЕ МЕСТНЫХ СЫРЬЕВЫХ РЕСУРСОВ РЕГУЛИРУЮЩИХ
ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА НЕФТЯНЫХ ТОПЛИВ И ИХ
ПРИМЕНЕНИЕ**

02.00.14–Технология органических веществ и материалы на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Термез – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.3.PhD/T1770.

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете и Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета www.tersu.uz и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель:

Нуркулов Файзулла Нурмунинович
доктор технических наук

Официальные оппоненты:

Мухиддинов Баходир Фахриддинович
доктор химических наук, профессор.

Тожиев Панжи Жовлиевич
доктор технических наук философии

Ведущая организация:

Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 г. в «__» часов на заседании Ученого совета PhD.03/30.12.2019.T.78.01 при Термезском государственном университете по адресу: 190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail:termizdu@umail.uz

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре в Термезском государственном университете под №____, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail:termizdu@umail.uz)..

Автореферат диссертации разослан «__»__2020 года.

(протокол рассылки № _____ от «__»_2020 г.).

И.А.Умбаров

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.т.н.,проф

Ш.А.Касимов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых
степеней, к.х.н.,(PhD).

Ф.Б.Эшкурбонов

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.х.н.,проф

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире потребность в энергии резко возросла из-за быстрой индустриализации мира, ускоренного экономического роста, повышения уровня жизни людей, развития технологий современной транспортной системы и энергетического сектора, зависящие только от ограниченных запасов нефти или ископаемого топлива, которые составляют 26–27% от общего объема. 90% энергопотребления в мире приходится на нефтяное топливо. Поэтому, соответствие качества топлива к строгим стандартным требованиям, использование модификаторов для получения качественного топлива имеет важное значение в производстве бензина и дизельного топлива.

Развитие автотранспортных средств в мире требует производства экологически чистого топлива, соответствующего международным стандартам. Во всем мире для улучшения качества топлива используются кислород и азотсодержащие модификаторы на основе органических соединений и их композиционных смесей. В связи с этим уделяется внимание исследованиям, направленным на разработку эффективных методов получения кислород и азотсодержащих органических модификаторов и композитов, повышающих октановое число бензинового топлива, и цетановое число дизельного топлива. Соответственно, разработка технологий получения кислород и азотсодержащих модификаторов, улучшающих качество бензина и дизельного топлива, является весьма актуальной.

В нашей стране достигнуты определенные результаты в производстве новых видов материалов в химической промышленности, в том числе проведены масштабные меры по обеспечению внутреннего рынка импортозамещающими химическими реагентами. Следует отметить, что в нашей стране большое внимание уделяется научно обоснованным системам управления промышленных объектов и охраны окружающей среды за счет внедрения инновационных технологий. В Стратегии действий² по дальнейшему развитию Республики Узбекистан поставлены важные задачи, направленные на: «Дальнейшее ускорение производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местного сырья, изменение качества новых продуктов и технологий». В связи с этим важно разработать эффективные, быстрые и экономически эффективные технологии получения многофункциональных антидетонирующих кислород и азотсодержащих модификаторов с содержанием спирта и эфиров с высоким уровнем окисления для дальнейшего повышения качества топлив и производства высококачественных топлив, соответствующих международным экологическим стандартам, получаемых в процессах

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП №4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

каталитического крекинга, алкилирования и изомеризации на нефтеперерабатывающих заводах республики.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», Постановлений Президента Республики Узбекистан № ПП-3236 от 23 августа 2017 года «О программе развития химической промышленности на 2017-2021 годы», № ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по усиленному развитию химической промышленности в Республике Узбекистан», № ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII «Химическая технология и нанотехнология».

